

QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINI
MUVOFIQLASHTIRISH VA
RIVOJLANTIRISH MARKAZI
TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY
BOSHQARMASI



CENTER FOR COORDINATION
AND DEVELOPMENT OF
SECURITIES MARKET
TASHKENT CITY
REGIONAL DEPARTMENT

100047, Toshkent shahar, Buxoro ko'chasi, 10 uy

Tel. (Fax): 998 (71) 233-41-72

10, Buxoro street, Tashkent city, Uzbekistan, 100047

www.csm.gov.uz

e-mail: tashkent@csm.gov.uz

«23» сентябрь 2014 йил

№ QA-65

Қ А Р О Р

“GIDROPROEKT” aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2014 йил 25 июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига ва Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда 2000 –сон билан рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари”нинг 100-бандига асосан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “GIDROPROEKT” AJ акциядорларинг 2014 йил 25 июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан майдаланиб, номинал қиймати 5800 сўмдан 1450 сўмга камайтирилиши ва ва аввал чиқарилган акцияларни янги номиналдаги акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамиятнинг 2013 йил 31 октябрда Q0316-6 – рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувини Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- ариза;

- “GIDROPROEKT” AJнинг 2013 йил 31 октябрда Q0316-6 – рақам билан рўйхатга олинган қимматли қоғозлар чиқарилиши қарори ва эмиссия рисоласининг асл нусхалари.

2. “GIDROPROEKT” AJ акциялари майдаланиб, номинал қиймати 5800 сўмдан 1450 сўмга камайтирилиши ва аввал чиқарилган акциялар янги чиқарилган номинал қиймати камайтирилган акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамиятнинг 2013 йил 31 октябрда Q0316-6 – рақам билан рўйхатга олинган акциялар чиқарилувларига асосан чиқарилган умумий қиймати 1 384 848 600 сўмлик, номинал қиймати 5800 сўм бўлган 238 767 дона оддий акциялари ва миллий идентификация рақами RU106Q0316T1 бекор қилинсин.

3. Ахборотни ошқора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлими:

- Қимматли қоғозлар чиқарилуви ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритсин;

- ушбу қарорнинг бир нусхаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига, бир нусхаси “GIDROPROEKT” АЈга берилсин.

4. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ахборотни ошқора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлимига юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи в.б.



Р.Хурамов